Information and communication technologies are used at every stage of education. This allows students to use a large resource of information, electronic books, scientific articles, foreign sources. For concretization, additions, and better assimilation of acquired knowledge, there are possibilities of diverse sites, video tutorials, and online courses. Separate views for considering the use of information and communication technologies in the educational process include distance learning technologies. Under the distance learning technology is understood the totality of methods and means of training and administration of training procedures that ensure the educational process at a distance based on the use of modern information and telecommunication technologies. In the implementation of distance learning, information technologies ensure the delivery of the main volume of the studied material to students, the interactive interaction of students and teachers in the learning process, providing students with the opportunity to work independently on the assimilation of the material studied and assessing their knowledge and skills acquired in the learning process. To achieve these goals, the following information technologies are used: providing textbooks and other material on websites, sending studied materials on computer telecommunications, discussions and seminars conducted through computer telecommunications, webinars. Despite the methodological support of the distance learning system, self-learning is a necessary and important condition for its implementation.

Many educational institutions provide the material base with the modern technology. For the effective work of students and teachers, an educational institution must have open access to the Internet. The ability to hold video conferences with other foreign universities, which allows easy exchange of views and knowledge. Widely use video lessons on various Internet sites, access to online lecture or practical exercises. For many specialties, including technical and energy specialties, the design of schemes and models of technical machines and assemblies in electronic 3D form. When training in energy specialties, the possibility

of using electronic virtual laboratories. This helps to quickly understand the diagrams or designs, there is a complete review and detail of this device in 3D form. It is necessary to emphasize the important component of information and communication technologies - multimedia. Today it's hard to imagine learning without multimedia technology, allowing you to use text, graphics, video and animation in interactive mode. The concept of multimedia and multimedia tools are closely related to computer processing and presentation of diverse information. Multimedia presents a range of information technologies that use various software and hardware in order to most effectively influence the user. Currently, various aspects of the use of multimedia in education are being actively studied, technical and psychological-pedagogical features of multimedia technologies are highlighted, the need for their targeted and productive application is emphasized. Information and communication technologies are means aimed at improving the organization of teaching, increasing the individualization of instruction and the productivity of students' self-training. The individualization of the work of the teacher himself allows enhancing motivation for learning, makes it possible to attract students to research activities and provides flexibility of the learning process, which, in turn, allows you to take into account the factors of development of motivation in the educational activity of using ICT in the educational process

Nowadays, virtual universities are widely used in many universities. Such an academy is an educational virtual world in which it is possible to conduct and attend training courses, meetings, presentations, and trainings for groups from one to several dozen users simultaneously. The main feature of the virtual academy is the ability to electronically record all the classes and events taking place in it. If in real life and in other virtual worlds the lesson ends and remains in the past, in the virtual academy the past interesting lesson can always be visited again, come to it with friends. The teacher can save their successful courses and classes, provide access to them for new students. Records of training sessions are the main value of a virtual academy. The use of smartphones, an interactive whiteboard at each lesson enhances memorization and consolidates the received material and also contributes to the development of creativity. With the help of knowledge monitoring, online testing, you can objectively evaluate not only the work done and the student's knowledge, but also the level of organization of the educational process.

Modern means of information and communication technologies provide a wide range of training tools that embody the principles of individualization, strengthening motivation, and implement an active approach to learning. But the experience gained confirms that only a deeply thought out and competent use of these tools, as well as a careful selection of content and application can contribute to achieving the results of the tasks.

SECTION: PHARMACEUTICAL SCIENCE

Khortetska T. V., Maliuhina O. O., Smoilovska H. P.
Zaporizhzhia State Medical University
(Zaporizhzhia, Ukraine)

THE RESEARCH OF PLANTAGO LANCEOLATA L. SEEDS AS A SOURCE OF UNSATURATED FATTY ACIDS

Annotation. *The paper considers the results of a study of the content of fatty acids in the seeds of Plantago lanceolata L. of Ukrainian flora. The research was performed by gas chromatography. Up to 5 unsaturated fatty acids have been found in the seeds of Plantago lanceolata, the main of which are linoleic and oleic acids.*

Key words: *Plantago lanceolata L., ribwort plantain, fatty acids, unsaturated fatty acids, seeds.*

Plantago lanceolata L. (ribwort plantain) is a perennial herb belonging to the family Plantaginaceae which spread throughout the whole world excluding subarctic and low-lying tropical areas [1, 2]. P. lanceolata L. in Ukraine is distributed on forest glades, on grassy and stony slopes [3].

Plantago lanceolata L. has been long used in folk medicine for the treatment of skin diseases, injuries, respiratory diseases [2]. Modern experiments have shown that Plantago lanceolata L. has anti-inflammatory, antimicrobial, antioxidant and cytotoxic activity [2]. The extracts show vasoconstrictor, antacid, diuretic, immunoregulatory, antiulcer, and other properties.

The complex chemical composition of P. lanceolata L. species is represented by a series of categories of substances, among which the main components are: iridoid glycosides, polysaccharides, flavonoids and flavone glycosides, phenolic carboxylic acids, alkaloids, terpenoids and other constituents, like allantoin [2, 4]. P. lanceolata L. seed mucilage contains pectin and sugars, including pentose, galactose, xylose [1]. There were identified fatty acids and their methyl esters in the composition of the essential oil [2].

Fatty acids are essential factors in the nutrition of the human body, involved in metabolic processes and exhibit antisclerotic activity [5]. Unsaturated fatty acids have hypocholesterolemic and antioxidant properties. Unsaturated fatty acids are part of drugs with neuroprotective and cardioprotective effects, improve the condition of dermatitis, psoriasis, acne, they participate in the synthesis of prostaglandins and regulation of metabolic processes [6, 7].

The aim of the work was to determine the content of unsaturated fatty acids in the seeds of Plantago lanceolata L. of flora of Ukraine.

Materials and methods. *Ribwort plantain seeds were collected during the period of full maturity (July-August 2018-2019) on the territory of Ukraine and dried to an air-dry state in an oven at a temperature of + 60°C [8]. Qualitative composition of unsaturated fatty acids in vegetable raw materials was carried out by gas*

chromatography according to the method of GOST "Vegetable oils. The method of determining the fatty acid composition "[8]. The quantitative content of fatty acids was determined by the method of internal normalization, taking the sum of the areas of all peaks for 100% [8, 9].

Results and discussion. Up to 5 unsaturated fatty acids were determined by gas chromatography in ribwort plantain seeds (Fig. 1).




Fig. 1. Unsaturated fatty acids of *Plantago lanceolata* L. seeds

According to the obtained results, the total content of unsaturated fatty acids in the seeds of *Plantago lanceolata* is up to $87.353 \pm 4.365\%$ of the total fatty acid content. The main fatty acids are linoleic ($47.773 \pm 2.389\%$) and oleic ($30.049 \pm 1.500\%$) acids. Also, in a significant amount presents linolenic acid ($9.447 \pm 0.472\%$). Eicosadienoic and palmitoleic acids are present in the seeds in trace amounts (up to 0.1%).

The results of the research indicate the need for in-depth study of *Plantago lanceolata* L. seeds as a promising plant source of unsaturated fatty acids.

Conclusions.

The content of unsaturated fatty acids in seeds of *Plantago lanceolata* L. of Ukrainian flora was studied by the method of gas chromatography. In the studied raw material were identified 5 unsaturated fatty acids with the total content up to $87.353 \pm 4.365\%$ of the total fatty acid. The main fatty acids are linoleic and oleic acids.

REFERENCES:

1. "Sticky invasion" – the physical properties of *Plantago lanceolata* L. seed mucilage / A. Kreithschitz, A. Kovalev, S. N. Gorb // *Beilstein Journal of Nanotechnology*. – 2016. – Vol. 7. – P. 1918-1927.
2. Chemical composition of essential oils from *Plantago lanceolata* L. leaves extracted by hydrodistillation / T. Bajer, V. Janda, P. Bajerova et al. // *J. Food Sci. Technol.* – 2016. – Vol. 53, Is. 3. – P. 1576-1584.
3. Bezusko L. G. Spatiotemporal differentiation and distribution patterns of the genus *Plantago* L. (Plantaginaceae) in the plant part of Ukraine during the

- Allerod-Holocene / L. G. Bezusko, Z. M. Tsybalyuk, S. L. Mosyakin // *Modern Phytomorphology*. – 2018. - №2. – P. 95-105.
4. Antioxidative properties of *Plantago lanceolata* L. extracts evaluated by chemiluminescence method / C. Nichita, G. Neagu, A. Cucu et al. // *AgroLife Scientific Journal*. – 2016. – Vol. 5, N. 2. – P. 95-102.
 5. Смойловська Г. П. Дослідження якісного складу та кількісного вмісту карбонових кислот у листі *Urtica dioica* L. / Г. П. Смойловська // *Актуальні питання фармацевтичної і медичної науки та практики*. - 2015. - №3 (19). - С. 48-51.
 6. Фармакогнозія: базовий підруч. для студ. вищ. фармац. навч. закл. (фармац ф-тів) IV рівня акредитації / В. С. Кисличенко, І. О. Журавель, С. М. Марчишин, В. М. Мінарченко, О. П. Хворост и др.; под ред. В. С. Кисличенко. – Харків: НФаУ: Золоті сторінки, 2015. - 736 с.
 7. Михайленко Н. Ф. Поліненасичені жирні кислоти водоростей: властивості та перспективи застосування / Н. Ф. Михайленко // *Науковий часопис НПУ імені М. П. Драгоманова*. - 2016. - №53. - С. 176-183.
 8. ГОСТ 30418-96. Масла растительные. Метод определения жирнокислотного состава // URL: <http://docs.cntd.ru/document/gost-30418-96>
 9. ДСТУ ISO 5509-2002 Жири тваринні і рослинні та олії. Приготування метилових ефірів жирних кислот // URL: http://document.ua/zhiri-tvarinni-i-roslinni-ta-oliyi_-prigotuvannja-metilovih--std9838.html

Pruhlo Ye. S., Maliuhina O. O.
Zaporozhye State Medical University of Ministry of Health of Ukraine
(Zaporizhzhia, Ukraine)

SEARCH FOR HYPOGLYCEMIC AGENTS AMONG 1,2,4-TRIAZOLE DERIVATIVES

Summary. *This paper studied the effect of these substances, substituted 1,2,4-triazole, the level of glucose in the blood glucose tolerance test. A number of compounds with hypoglycemic action. Some regularities between chemical structure and pharmacological effect.*

Keywords: *1,2,4-triazoles, hypoglycemic activity, structure-activity relationship*

Diabetes is a global problem that is only growing over the years. According to statistics, 371 million people in the world suffer from this disease, which is 7 percent of the world's population [1, 2].

The main reason for the growth of the disease is a radical change in lifestyle. According to statisticians, if the situation does not change, by 2025 the number of diabetics will double [2, 3].

The aim of these studies was to detect the hypoglycemic effect of the first synthesized compounds of 1,2,4-triazole derivatives under the conditions of screening studies.

Possible hypoglycemic activity of the new substance is assessed by changes in the concentration of glucose in the blood of animals after a single injection under conditions of intraperitoneal glucose tolerance test (IGTT) - glucose (2 g / kg body weight) is administered intraperitoneally [3, 4].

Blood samples for glucose analysis are taken before and after 15, 30 and 45 minutes after exercise. In order to exclude the effect of food on the absorption of the test substance, animal feeding was stopped overnight. The test substance should be administered orally by gavage in aqueous solution. Since most antidiabetic drugs act in the dose range from 5 mg / kg body weight to 200 mg / kg body weight, and 1,2,4-triazole derivatives are characterized by low toxicity, it was decided to use a dose of 200 mg / kg. Determination of blood glucose was performed using an express analyzer "Accu Chek active". 5 rats were used for each dose during screening. Each series of experiments included a control group (animals receiving placebo) and a group administered glibenclamide at a dose of 1 mg / kg. The experimental groups were quantified on a personal computer based on the LinuxMint 19.3 operating system using the NumPy (BSD License, v. 1.18.4) and pandas (BSD License, v. 1.0.3) libraries for the Python programming language.3.6.9). Statistical significance of intergroup differences was determined using Student's t-test and Whitney-Mann u-test using the SciPy library (BSD License) [3, 4].

When studying the hypoglycemic action of derivatives of 5-Alk- (Ar-, Het -) - 4-R-1,2,4-triazole-3-thiones, it was found that compounds that would exceed the reference drug glibenclamide were not detected.

The analysis revealed the dependence of the decrease in glucose levels in the blood of animals on the chemical structure of the applied derivatives of 1,2,4-triazole.

Thus, it was found that the replacement of the ammonium cation in the molecule of ammonium salt of 2-(5-adamantan-1-yl)-4*H*-1,2,4-triazol-3-ylsulfanyl)acetic acid by a monoethanolammonium cation leads to a loss of the ability to cause hyperglycemia and leads to hypoglycemic properties of this compound ($p < 0.001$, $p < 0.01$).

Thus, the search for hypoglycemic agents among 1,2,4-triazole derivatives is relevant and has prospects in their practical significance.

REFERENCES:

1. Ametov, A. S. (2002), Violation of the life cycle and functions of b-cells of the pancreas: the central link in the pathogenesis of type 2 diabetes mellitus: Textbook [Narusheniya zhiznennogo tsikla i funkczii b–kletok podzheludochnoj zhelezy: czentralnoe zveno patogeneza cakharnogo diabeta 2 tipa], Moscow, pp. 15-26.
2. Balabolkin, M. I. and Kreminskaya, V. M. (2001), “New opportunities for long-term compensation of type 2 diabetes”, Clin. pharmacol. and therapy, Vol. 10, no 2, pp. 60-64.
3. Alekseeva, G. G. and Yukhlova, N. A. (1979), “The effect of b- and c-blockers on the level of glycemia, the content of growth hormone in the blood and the excretion of catecholamines in the urine with insulin-dependent diabetes mellitus”, II Probl. Endocrinol., Vol. 25, no 3, pp. 13-18.
4. Stefanov, O. V. (ed.) (2001), Preclinical studies of drugs [Doklinicheskie Issledovaniya Lekarstvennykh Sredstv], Avitsena, Keiv, Ukraine.

SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

Бахриев Отабек Аманиллаевич
Международный научно-исследовательский центр Имама Бухари
(Самарканд, Узбекистан)

МЕТОДЫ ИМАМА БУХАРИ В ПИСАНИИ АЛЬ-ДЖАМЕ АС-САХИХ

В статье приводятся сведения о некоторых методах написания шедевра, написанного нашим великим соотечественником Имамом Бухари, «Аль-Джами ас-Сахих». Также есть информация об этой работе.

Ключевые слова: хадис, стиль, сахих, санад, рассказчик.

Baxriev Otabek Amanillaevich
Imam Bukhari international scientific-research center
(Samarkand, Uzbekistan)

METHOD IMAMA BUKHARI V PISANII AL-DJAME AS-SAXIX

V state privodyatsya svedeniya o nekotoryx metodax napisaniya shedevra, napisannogo nashim velikim sootechestvennikom Imamom Bukhari, «Al-Djami as-Saxix». So is the information about this work.

Keywords: hadith, style, sahih, sanad, narrator.

Бахриев Отабек Аманиллаевич
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази
(Самарқанд, Ўзбекистон)

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМИЪ АС-САХИХ” АСАРИНИ ТАЪЛИФ ЭТИШДАГИ УСЛУБЛАРИ

Мақолада буюк ватандошимиз – Имом Бухорийнинг қаламига мансуб шоҳ асар ҳисобланган “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ”нинг ёзилишидаги услубларининг баъзилари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мазкур асар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: ҳадис, услуб, саҳиҳ, санад, ровий.

Маълумки, биз ислом умматига Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан бири, Ислом арконларини ўзида мужассам этган Қуръони каримни сақлашни Ўз зиммасига олгандир. Аллоҳ таолонинг: **“Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз”**³⁰ деган сўзи фикримизни қувватлайди.

³⁰ Ҳижр, 15/9.

Динимизда “Суннати Набавийя” Қуръони каримдан кейинги иккинчи ваҳий деб эътибор қилинади. Бунини Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу ўринда: *“Билиб қўйинглarki, мена Китоб билан бирга унинг мисли ҳам берилди”* [1. 651] деб айтган сўзлари тасдиқлайди. Демак, “Суннати Набавийя”ни сақлаш ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларга жорий қилган ҳукмларни авайлаб-асраш билан баробардир. Зеро, Аллоҳ таоло уни асрашни бандаларга топшириши У Зотнинг уларга қилган улуғ миннатидир. Шу сабабли Аллоҳ таоло бу масъулиятли ишни маълум бир кишиларга топширди. Бу буюк инсонлар бузғунчиларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини ўзиники қилиб олишидан ҳамда хиёнаткор ва жоҳилларнинг уни бузиб таъвил қилишидан сақладилар. Улар бу йўлда саҳиҳ ҳадисларни тўплаш мақсадида бир қанча машаққатли вазифани босиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ўзгаришдан ва ҳалокатдан сақлашни топширган ўша кишилардан бири, ҳадис илмида мўминларнинг амири ҳисобланган Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳазратлари бўлса, ажаб эмас. Зеро, Имом Бухорий молининг энг сарасини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тўплаш йўлида сарф қилдилар. У кишининг сермахсул ижодлари натижасида бу олам ўзида жуда нафис дурдоналарни жамлаган “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” (Ишонарли тўплам) деган китобга гувоҳ бўлди.

Шубҳасиз, Ислому оламида Қуръони каримдан кейинги манба деб эътироф этилган ушбу асар ҳалқ орасида “Саҳиҳул Бухорий” номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди. Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, Имом Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат [2. 20].

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий “ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” асарини ёзишда ўзларининг йўналишига хос бўлган бир нечта услубларни қўллади ва бу услублардан баъзилари ровийлар санадида³¹ боғлиқ бўлса, баъзилари фикҳга³² оид услублардир.

Имом Бухорийнинг санадга оид бўлган услублари жуда ҳам кўп бўлиб, уларни англаш ва фаҳмлаш фақатгина жиддий эътибор қилиш ва бу асарни диққат билан ўқиш орқали амалга ошади. Қуйида Имом Бухорийнинг шу мавзуга боғлиқ бўлган баъзи услубларини келтириб ўтамиз:

Мутабиат³³ ҳадисларни кўп келтиради.

Имом Бухорийнинг мутабиатлари бошқа муҳаддисларнинг мутабиатларидан анчагина мушкулдир. Шунинг учун кўпинча у киши мутабиат ҳадисларни зикр қилмайди. Бу нарса фақатгина ровийлар табақаларидан ва

³¹ Ҳадисни ривоят қилган кишилар занжири.

³² Ислому динидаги ҳукмларга оид масалалар.

³³ Агар ровий бир ҳадисни ривоят қилган бўлса, бошқа ровий ҳам ўша ҳадиснинг лафзларига ёки маносига уйғун бўлган ҳадисни ривоят қилса, бу ҳадис мутабиатдир.

шайхларнинг³⁴ бир-бири билан йўлиқишидан хабардор бўлган кишигина билади [3. 1/8].

Санадлардан энг аввалгиларнинг санади билан ривоят қилинган ҳадисни ихтиёр қилиши.

Имом Бухорийнинг наздида санадларнинг энг олийси уч кишидан иборат бўлган санад бўлиб, ўзининг саҳиҳларида 22та ҳадисни “Суласий иснод” билан ривоят қилган [4. 1/337]. Бу ҳадисларнинг кўпроғи Маккий ибн Иброҳимдан, баъзилари Зоҳҳак ибн Муҳолладдан ва баъзилари Холлад ибн Яҳёдандир. Саҳиҳул Бухорийда санадларнинг энг узун тўққизталиқ санад бўлиб, бу санад билан фақатгина битта ҳадис, яъни “Фитна”лар китобидаги “Яъжуж-маъжуж” бобида келтирилган ҳадисдир [5. 3/105].

Санадларнинг энг саҳиҳи деб сифатланган санадларни танлаши [6. 9].

Масалан,

1. Молик, у Нофеъдан, у Ибн Умардан
2. Зухрий, у Солимдан, у отасидан
3. Нахаъий, у Алқамадан, у Ибн Масъуддан
4. Зухрий, у Али ибн Хусайндан, у отасидан
5. Абдуроҳман ибн Қосим, у отасидан, отаси Оиша онамиздан [7. 12].

“Бизларга ҳадис айтиб берди”, “Бизларга маълум қилди”, “Бизларга хабар берди” ва “Бизлар эшитдик” жумлаларининг ўртасини фарқламайди.

Имом Бухорий бу сийғаларнинг ўртасида фарқ бўлмаганлиги сабабли “Саҳиҳул Бухорий”нинг “Илм” китобида алоҳида боб тузган [5. 1/144]. Ваҳоланки бу Ҳижоз ва Куфа улуғларининг танлаган йўлидир. Аммо баъзи муҳаддислар бу сийғаларнинг ўртасида фарқ бор, деганлар. Имом Муслим ўзининг саҳиҳида Имом Бухорийнинг фикрига мойил бўлганини, айтган.

Агар ҳадиснинг ровийси Имом Бухорийга нотаниш бўлса, ровийнинг насабини ва ватанини зикр қилиб ўтади [5. 5/302].

Диққат билан қаралса, Имом Бухорий ўзларининг саҳиҳларини мукаммал даражада бўлиши учун ҳеч нарсани назардан четда қолдирмаган.

Ҳадисни саҳобада эшитган тобеъинларнинг ёзган саҳифаларидан олиб нақл қилиши.

Тобеъинларнинг ёзган саҳифаларидан ҳадис олиб ривоят қилишда муҳаддисларнинг йўллари ҳар хил бўлган. Бу масалада Имом Бухорий шундай йўл тутганки, саҳифадаги биринчи ҳадисни зикр қилиб, сўнгра шу бобда айтилиши ирода қилинган ҳадисни зикр қилади. Худди тобеъинлардан бўлган Абу Зиноднинг саҳифасидаги ҳадисни келтиргани каби. Бу ҳадисни Абу Зинод Аърождан, у айтади: “Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: **“Бизлар пешқадаммиз, охиргилармиз”** дегётганларини эшитган экан”.

Имом Бухорий шу санад билан бобга алоқаси бўлган: “Бирортангиз оқмайдиган турғун сувга бавл қилмасин, (чунки) кейин унда ғусл қилиши бор”³⁵ [5. 1/347] деган ҳадисни келтирди.

³⁴ Шайх – У кишидан ҳадис олинган узтоздир.

Имом Бухорийнинг дўсти Имом Муслим бу борада бошқа йўл тутган. Масалан, у киши келтириб ўтган ҳадисига ишора қилиб, Хумам ибн Мунаббаҳ ўз саҳифасида айтади: “Бу ҳадисни бизларга Абу Ҳурайра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис айтиб берди”. Шундан кейин у кишидан ҳадисларни зикр қилади ва “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар” дейди [8. 38].

Гоҳида “Ҳаддасана” (Бизга ҳадис айтиб берди) сўзидан олдин вов харфини келтириб, “Ваҳаддасана” деб айтиши.

Бу борада Имом Бухорий битта ҳадис ривоят қилган. Имом Муслимда бунга ўхшаш жумлалар жуда кўп келган.

Абдулҳақ ибн Абдулвоҳид Ҳашимий Маккий раҳимаҳумуллоҳ шундай деганлар: “Бунга эътибор қаратиш жуда аҳамиятли иш бўлиб, бирорта ҳадис шарҳловчиларининг буни китоб ўқувчига огоҳлантириб кетганини топмадим. Мен бу йўлда ҳар қанча изланиш олиб борсам ҳам, таваққуф топадиган илмга эга бўлмадим. Шу масалада мен учратган муҳаддис ва фуқоҳалардан сўраганимда, менинг кўнглимдан чигаллик кетказадиган жавобни бермади, балки кўпчилиги “Бу бекорчи савол” деб мендан ажабланар эди. Хатто бир марта Анвар Шоҳ Дибандийга³⁶ мактуб ёзганимда, менга “Муқаддимату шарҳу Нававий” китобини ўқишликни тавсия қилди. Ваҳоланки мен шу вақтгача шу китобнинг ўзидан ҳам, шарҳидан ҳам излаган нарсанинг жавобини топалмадим. Сўнгра мен Аллома Айнийнинг “Саҳиҳул Бухорий”га ёзган шарҳида: “Бу вов гапни янгитдан бошлаш учундир. Ҳолбуки мусаннифлар бу нарсга эътибор бермадилар” [3. 12/195] деган сўзини топдим [9. 69].

Баъзилар, бу вов атф воқи бўлиб, юқоридаги саҳиҳ ҳадисни кейинги ҳадисга боғлайдиган вовдир. Бу эътиборсиз гапдир. Чунки Имом Муслим кўпинча бу вовни олдиндаги ҳадисга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам келтиради.

Баъзилар айтади: Бу вов шайхнинг ривоят қилган ҳадисларига кўра атф учундир. Бунинг кўриниши шундай бўлади: Масалан, бир муаллиф (ҳадис тўпловчи) устозидан мажлисларнинг бирида юзта ҳадис эшитди. Шунда муаллиф биринчи ҳадисдан бошқа битта ҳадисни ривоят қилишни хоҳласа, ўша ҳадисга ишора қилиб вовни келтиради [3. 3/96].

Абдулҳақ ибн Абдулвоҳид Ҳашимий Маккий раҳимаҳумуллоҳ ўзининг “Одатул Бухорий” асарида шунга ўхшаш услублардан 63 тасини санаб ўтганлар. Имом Бухорийнинг бундай услубларини қўллаганлигидан, албатта, бу асарнинг нақадар бебаҳо эканлиги маълум бўлади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абу Довуд. Сунану Абу Довуд. – Байрут: Дару рисалатул ʼаламия, 2009.
2. Ибн Салоҳ. Муқоддимату фи улумил ҳадис. – Сурия: Дарул фикр, 1986.
3. Бадруддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айний. Умдатул Қори шарҳу Саҳиҳул Бухорий. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2009.

³⁶ У киши Шайх Муҳаммад Анвар Кашмирий, 1875-1934 мел. йилда яшаб ўтган. Бир нечта китобларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг машҳури “Файзул Борий бишарҳи Саҳиҳул Бухорий”дир.

4. Фуад Сизкин. Тарихул турсил арабийи. – Саудия Арабистони: ал-Жамеъатул Малики ас-Саъуд, 2006.
5. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқолоний. Фатҳул Барий шарҳу Саҳиҳул Бухорий. - Миср: ад-Дарул аъламиyyати линнашри ваттавзиъ, 2013.
6. Жалолиддин Суютий. Луббул Лубаб фи таҳрири ансаб. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 1991.
7. Усмон ибн Абдурроҳман аш-Шаҳарзурий ибн Салаҳ. Маърифату анваъи илмул ҳадис. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2002.
8. Ҳумам ибн Мунаббаҳ. ас-Саҳифту ас-Саҳиҳату. – Дамашқ: Мажмаъул илмийийил арабий, 1953.
9. Абдулҳақ ибн Абдулвоҳид Ҳошимий Маккий. Одату имамил Бухарий. – Кувайт: Мактаба аш-Шуъунул фанний, 2007й.

Махсумхонов Рахматхон Аҳмаджонович
Тошкент ислом институти
(Тошкент, Ўзбекистон)

НУРИДДИН СОБУНИЙ БУХОРИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мақолада Нуриддин Собуний Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси ва олимлар билан олиб борган илмий мунозаралари ўрганилди.

Таянч сўзлар: Собуний, Фахриддин Розий, Бухоро, Макка, Хуросон, Ироқ, Абул Муин Насафий, Шайх Рашидиддин, Абул Баракот Насафий, Ҳожи Халифа, Абдулхай Лакнавий, Муҳаммад Оруший, Фатхуллоҳ Халиф, Сареева, Бақр Тўпол Ғгли, Анқара, Абул Ҳусайн Башоғирий, Абул Ҳасан Рустафғаний, Муҳаммад Булут, Туркия, Байрут, Қоҳира, Истанбул, Мадрид, Тўпқоқи, Измир.

In this article Nuriddin Sabuni Buxari's life, scientific heritage and his scientific discussions with scholars are studied.

В статьях исследованы жизненный путь, научный наследие Нуриддин Сабуну Бухари и его научный дискуссия с ученыхй.

Нуриддин Собунийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бақр Собуний Бухорий бўлиб, мотуридийлик мактабининг кўзга кўринган вакиллари билан ҳисобланади. Калом илмига доир китобларда Нуриддин Собуний, “ал-Бидоя” китобининг муаллифи, “ал-Кифоя” китобининг муаллифи каби номлар билан зикр қилиниб ўтади [1: 42, 2: 1500, 2040]. Фахриддин Розийнинг таъбири билан айтганда Бухоро шаҳрида “Нур Собуний” номи билан танилган [3: 14]. Китобларда ҳаёти ҳақида маълумотлар келган манбаларда у зотнинг исми, вафот этган йили, “Китобул ҳидоя”, “Китобул бидоя фи усул ад-дин” деган китобларни ёзгани ҳақидаги маълумотдан бошқа айтарлик маълумотни топа олмаймиз [1: 42, 2: 1500, 2040].

Нуриддин Собунийнинг илм ўрганиш учун қайси шаҳарларга боргани ва кимлардан таълим олгани ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин Фахриддин Розий билан олиб борган мунозараларидан шу нарса маълум бўладики, Нуриддин Собуний умрининг охирида ҳаж зиёрати учун Макка шаҳрига сафар қилган, Хуросон ва Ироқ шаҳарларида илмий мажлисларда иштирок этган [3: 14]. Шунингдек, Фахриддин Розий билан мунозара қилганидан сўнг Абул Муин Насафийнинг “Табсиратул адилла” китобидан калом илмини ўргангани ва ундаги маълумотларга эътиқод қилишини айтиб ўтган [3: 23]. Унинг 580/1184 йилда вафот этгани [1: 42, 2: 1500, 2040] ва умрининг кексалик вақтида ҳаж зиёратига бориб келганини инобатга олиб, ҳижрий олтинчи асрнинг бошларида таваллуд топган дейишимиз мумкин.

Нуриддин Собунийнинг илм савияси ҳақида у ёзган китоблар ва аҳли илмлар билан олиб борган мунозаралари орқали маълумотга эга бўлишимиз мумкин. У кишининг мунозараларидан фақат иккитаси бизгача етиб келган. Уларнинг бири ашъарий мактабининг кўзга кўринган калом илми олими Фахриддин Розий билан бўлган мунозарадир. Бу мунозара ҳақида фақат

Фахриддин Розий ёзиб қолдирган маълумотлар бор холос. Бошқа манбаларда бу мунозара ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Фахриддин Розийнинг ёзишича улар учта масалада мунозара олиб борганлар. Биринчиси – Аллоҳ таолони кўриш ва мавжудлик далили масаласи, иккинчиси – таквин ва мукавван масаласи, учинчиси – боқийлик Боқий зотнинг зоида сифатими ёки йўқ, деган масала [3: 14-24]. Мунозара якунига кўра Фахриддин Розий ғолиб чиққан ва Нуриддин Собуний халқ орасида машхур бўлгани боис мағлуб бўлганини оммага ошкор қилмаслигини илтимос қилган. Қўлимизда Фахриддин Розийнинг китобидан бошқа манба бўлмагани учун бу мунозарага холисона баҳо бера олмаيمиз. Чунки бу китобда нечта мунозара келтирилган бўлса, барчасида Фахриддин Розий ғолиб чиқади. Бу ўринда “тарихни ғолиблар ёзади” деган гапнинг тўғри эканига амин бўлаимиз.

Нуриддин Собунийдан бизгача етиб келган иккинчи мунозара Шайх Рашидиддин ўртасида бўлиб ўтган. Уларнинг мунозаралари “маъдум кўринадимми ёки кўринмайдими” деган масала хусусида форс тилида бўлиб ўтган. Бу мунозарани Абул Баракот Насафий “ал-Умда фил эътиқод” китобида араб тилида зикр қилиб ўтган [4: 230-235]. Мунозара якунига кўра Нуриддин Собуний ғолиб чиқади ва Шайх Рашидиддин унинг фикрига қўшилади.

Нуриддин Собуний ҳақида маълумот келган манбаларнинг барчасида бу кишининг учта асарни ёзгани айтиб ўтилган. Улар қуйидагилар:

1. Ал-Бидоя фи усул ад-дин. Бу китобнинг қўлёзма нусхаларида унинг номи ал-Бидоя, ал-Бидоя мин ал-кифоя фи усул ад-дин, ал-Бидоя мин ал-кифоя фил ҳидоя фи усул ад-дин, мухтасар ал-кифоя фил ҳидоя, мулаххас ал-кифоя фил ҳидоя, талхис ал-кифоя, бидоя мухтасар ал-ҳидоя каби номлар билан келган. Бундан маълум бўладики, бу асар “ал-Кифоя фил ҳидоя”нинг қисқартма шакли ҳисобланади. “Ал-Кифоя фил Ҳидоя” асарини тадқиқ қилган туркялик олим Муҳаммад Орушийнинг тадқиқотиға кўра “ал-Бидоя фи усул ад-дин” асарининг қўлёзма нусхалари қуйидаги кутубхоналарда сақланади: Сулаймония кутубхонаси (ЛОЛАЛИ, 2271); Сулаймония кутубхонаси, Ошир Афанди, 181; Аҳмад III нинг Тўпқопи саройидаги музей кутубхонасида икки нусха, 1880, 1884; Боязид Валиюддин кутубхонасида учта нусха, 2128, 2129, 2184; Шаҳид Али Пошо нусхаси, 1704; Асмаҳон Султон нусхаси, 242; Асьяд Афанди нусхаси, 432; Қасидачизода нусхаси, 735; Ҳожи Салим Оға нусхаси, 654; Қоҳирадаги Дор ал-кутуб ал-Мисриядаги нусха, қалом илми 308; Тубинген нусхаси, 1721; Мадриддаги Эскориал нусхаси, 1603 [5: 18].

Ушбу китобни дастлаб илмий таҳлил қилиб чиққан шахс Фатхуллоҳ Халиф бўлиб, тадқиқот асносида асосан иккита нусхага таянган. Улар Тубинген ва Мадриддаги Эскориал нусхаларидир [6: 3-4]. Бу китоб 1969 йил Искандарияда “Китоб ал-бидоя мин ал-кифоя фил-ҳидоя фи усул ад-дин” номи остида чоп этилган. Кейинчалик Бакр Тўпол Уғли Истанбул кутубхоналаридаги мавжуд нусхалардан фойдаланиб, илмий таҳлил қилиб чиққан. Бу илмий иш икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми китобнинг арабча матнини ташкил қилади. Бу қисм Сурияда “ал-Бидоя фи усул ад-дин” номи остида Дамашқда 1979 йил чоп этилган. Иккинчи қисми эса, турк тилидаги муқаддима ва китоб матнининг тўлиқ туркча таржимасини ўз ичига олади. Кейинчалик иккала қисм ҳам бирга “Мотуридия ақоиди” номидаги дин ишлари президиуми тарафидан Анқарада 1979 йилда чоп этилган [5: 19].

2. Ал-Кифоя фил ҳидоя. Ал-Бидоя фи усул ад-дин китобининг муқаддимасида Нуриддин Собуний ушбу китобни шу ном билан зикр қилиб ўтган [6: 29]. Нуриддин Собунийнинг ҳаёти ҳақида маълумот келган китобларда бу китобнинг номи турлича исмлар билан аталган. Хусусан, Ҳожи Халифа “ал-Кифоя фил ҳидоя”, “ал-Кифоя фил калом” ва “ал-Ҳидоя фил калом” [2: 1500, 2040], Абдулҳай Лакнавий эса, “ал-Кифоя” номи билан келтирган [1: 42]. Бу китобнинг номи аксар китобларда “ал-Кифоя”, муаллиф эса, “Сохибул кифоя” деб келтирилган.

Бу китобни тадқиқ қилган туркялик олим Муҳаммад Орушийнинг тадқиқотида кўра “ал-Кифоя фил ҳидоя” асарининг қўлёзма нусхалари қуйидаги кутубхоналарда сақланади: Сулаймония кутубхонаси, ЛОЛАЛИ 2271; Сулаймония кутубхонаси, Ошир Афанди 2/181; Тўпқопи саройи музеининг кутубхонаси, Аҳмад III нинг кутубхонаси 1880; Сулаймония кутубхонаси, Асъад Афанди 2/432; Сулаймония кутубхонаси, Қорачалабийзода 1/347; Боязид кутубхонаси, Валиюддин Афанди 2/2148; Қоҳирадаги Азҳар кутубхонаси, 20579 (2224) тавҳид; Сараевадаги Ғози Хусравбек кутубхонаси, КТ 3622.

3. Ал-Мунтақо мин исмат ал-анбиё. Нуриддин Собунийнинг ҳаёти ҳақида маълумот келган манбаларда бу китобни ёзгани ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Лекин Нуриддин Собунийнинг ўзи “ал-Кифоя фил ҳидоя” асарининг нубувват масалаларида “ал-Мунтақо мин исмат ал-анбиё” китобига ишора қилиб ўтган [5: 206]. Демак, “ал-Мунтақо мин исмат ал-анбиё” китоби “ал-Кифоя фил ҳидоя” асаридан олдин ёзилган. Ушбу китобнинг муқаддимасидан шу нарса маълум бўладики, “ал-Мунтақо” асари Нуриддин Собунийнинг китоби эмас. Уни “Кашф ал-ғавомиз ли аҳвол ал-анбиё” деган ном остида Абул Хусайн Муҳаммад ибн Яҳё Башоғирий (ҳиж. IV/мил. X асрда вафот этган) ёзган бўлиб, Нуриддин Собуний бу китобни мухтасар қилган [7: 22]. “Кашф ал-ғавомиз ли аҳвол ал-анбиё” китобининг ёзилиш сабабига келсак, Абу Мансур Мотуридийнинг даврида бир киши китоб ёзиб, унга “Маъноси ал-анбиё” деб ном беради. Имом Мотуридий бу муаллиф ҳақида шундай дейди: “Муаллиф шу мақсадда китоб ёзган бўлса, кофир бўлади. Чунки ким китоб ёзишни мақсад қилса, шу мақсадига тегишли нарсаларнинг кўпини топади, оз қисмини топа олмаслиги мумкин. Ким мўмин кишидан унинг маъсиятларини қидирса, маъсият қидирувчи кофир бўлиб қолишидан қўрқилади. Пайғамбарнинг маъсиятини қидириш ва уни нашр қилмоқчи бўлган кишининг аҳволи қандай бўлар экан!” [7: 16]. Абул Хусайн Башоғирий бу гапни Абул Ҳасан Рустафғанийдан эшитгач “Кашф ал-ғавомиз ли аҳвол ал-анбиё” китобини ёзишга киришади. Унинг мақсади пайғамбарлар ҳаёти давомида маъсиятдан узоқ бўлиб покиза умр кечирганларни исботлаш эди. Бу маълумотлар “ал-Мунтақо мин исмат ал-анбиё” китоби “Кашф ал-ғавомиз ли аҳвол ал-анбиё” китобининг мухтасари эканини англатади.

Бу китобнинг қўлёзма нусхаларидан тўрттаси бизгача етиб келган. Улардан учтаси Туркияда ва биттаси Қоҳирада сақланади. Улар қуйидагилар: Сулаймония кутубхонаси, ЛОЛАЛИ 2426; Сулаймония кутубхонаси, ЛОЛАЛИ 2425; Маниса шаҳар кутубхонаси, 2/6584; Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-Мисрия” (тарих, м.134).

Бу асарни Муҳаммад Булут Туркиядаги мавжуд қўлёзма нусхаларни ўрганиб тадқиқ қилиб чиққан ва 2000-2001 йилларда Измирда китоб ҳолида

чоп этган. Кейинчалик Байрутда “Дор Ибн Ҳазм” нашриётида ҳам нашр қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Нуриддин Собунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида кам маълумотлар етиб келган бўлсада, олимнинг фикр ва қарашлари кўплаб манбаларда келган ва қабул этилган. Нуриддин Собуний ҳақидаги маълумотлар кам экани бу кишининг машхур бўлмаганини билдирмайди. Балки, олимлар ҳаёти ҳақида маълумот келган китобларнинг ёзилиш тартиби ўзгача бўлиб, уларда олимларнинг ҳаёти батафсил ёритилмаган. Фахриддин Розийнинг маълумот беришича Нуриддин Собуний ўз юртида калом илми олими сифатида танилган ва юқори мартабада бўлган. Қолаверса, мунозара якунида Фахриддин Розийдек олим Нуриддин Собунийнинг ҳурматини жойига қўйиб ғоят эҳтиром қилгани бу кишининг мақоми қай даражада эканини янада равшанлаштиради. Ўзбекистон диёрида яшаб ўтган бу каби олимларнинг асарини тадқиқ қилиш ва адашган тоифаларга раддия беришда бу асарлардан фойдаланиш ҳозирги кундаги долзарб вазифа ҳисобланади. Қолаверса, юртимизда мотуридийлик ақидавий қарашларига эътиқод қилинишини инobatга олиб, бу каби асарларни ўрганиш ва мусулмонларга етказиш ушбу ишнинг аҳамиятини янада оширади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абдулҳай Лакнавий. Ал-фавоид ал-Баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. – Қоҳира: Дор ал-китоб ал-исломий, Б.42.
2. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асоми ал-кутуб вал фунун. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, Ж. 2. Б. 1500, 2040.
3. Фахриддин Розий. Мунозорот Фахриддин ар-Розий фи билод мавароуннаҳр. Муҳаққиқ: Фатҳуллоҳ Халиф. – Байрут: Дор ал-Машриқ, Б. 14.
4. Абул Баракот Насафий. Ал-Эътимод фил эътиқод. Муҳаққиқ: Абдуллоҳ Муҳаммад Абдуллоҳ Исмоил. – Қоҳира: ал-Мактабат ал-азҳари лит турос, 2012. Б. 230-235.
5. Нуриддин собуний. Ал-Кифоя фил ҳидоя. Муҳаққиқ: Муҳаммад Оруший. – Истанбул: Марказ ал-буҳус ал-исломия, 2012. Б. 18.
6. Нуриддин Собуний. Ал-Бидоя фи усул ад-дин. Муҳаққиқ: Фатҳуллоҳ Халиф. – Миср: Дор ал-Маъориф, 1969. Б. 3-4.
7. Нуриддин Собуний. Ал-Мунтақо мин исмат ал-анбиё. Муҳаққиқ: Муҳаммад Булут. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2012. Б. 22.

SECTION: PHILOSOPHY

**Ибрагимов И.
(Жиззах, Ўзбекистон)**

ИБН СИНО ФАЛСАФАСИДА ОНТОЛОГИК МАСАЛАЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАНИШИ

Ибн Сино Арасту ва Абу Наср Фаробий аъаналарини давом эттириб ҳамда замондоши Абу Райҳон Берунийнинг билиш концепциясини теран англаган ҳолда ўз билиш таълимотини ишлаб чиққан. Унда жонли мушоҳада, сезги аъзолари, образ-тимсол, ақлий билиш, мантиқ, кузатув ва тажрибанинг воқеликни билишдаги ўрни ва мавқеини асослаб берилган. Ибн Сино “Донишнома” ва “Китоб ан-нажот” каби асарларида ўзига қадар яшаб келаётган баъзи нотўғри қарашларни танқид қилади ва билиш назариясида янгича ёндашишни намойиш қилади.

Ислом динининг ислом маданияти ва фалсафасига таъсири оламнинг келиб чиқиши масаласида яққол сезилади. Аллоҳнинг бирлиги ва ягоналиги (тавҳид) бу даврдаги фалсафий таълимотнинг энг асосий бахс мавзуси бўлган. Масаланинг диний-мистик ёки рационал асосланиши бу даврда турли ғоявий йўналишлар мавжудлигини кўрсатади. Ибн Сино бу борадаги қарашлари бошқа ғоявий оқим вакиллариникидан фарқ қилади. Мутафаккир ислом ақидаларини ақлий асослаган, Қуръони каримнинг маъноларини таҳлил қилишда ақлни мезон қилиб олиш зарурлигини таъкидлаган. Бунинг учун антик фалсафа, хусусан мантиқ илмидан фойдаланган.

Арабча “фалсафа” сўзи унинг антик фалсафа билан боғлиқлигини ва ислом маънавий маданиятида қадимги юнон донишмандлиги меросига асосланган янги бир йўналишнинг шаклланишини кўрсатади. Антик фалсафа вакиллари оламни бир бутун қилиб бирлаштирувчи ибтидонинг мавжудлигини ҳис қилган эдилар ва уни борлиқ тушунчаси орқали ифодалaganлар. Антик фалсафадаги бу ғоялар ўрта асрларга келиб, дунёвий динларнинг қарор топиши билан, назарий билимларнинг таркибий қисмига айланди.

Диний фалсафада борлиқнинг ибтидоси тушунчаси яратувчи билан боғлиқ бўлса, фалсафада эса зарурий моҳият яъни ҳеч қадай сабабга боғлиқ бўлмаган ва борлиқнинг сабабчиси бўлган тушунча орқали ифодаланади. Зарурий моҳият барча мавжудликнинг бирлигини, яхлитлигини, сабабини билдиради.

Мутафаккир фалсафасида ҳам зарурий моҳият тушунчаси қўлланилади. Унинг “Ишорат ва танбеҳот” асарида зарурий моҳият тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Зарурий моҳият ягонадир, бошқа барча буюм эса чексиз бўлмайдди. Улар ё бирламчи сабабга бориб тақалади ва у зарурий моҳиятдир, ёки ўз-ўзига қайтиб келади, худи масалан: А-Б нинг сабаби, Б ўз навбатида В нинг сабаби, у эса Т нинг сабабчиси ҳисобланади. Т. эса А нинг сабабидир” [1, 135]. Шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси умумий

оқибатларнинг ягонатизмини ташкил этади, аввал исботланганидек, улар ташқи сабабга эга бўлишлари шарт.

Шундай қилиб, ҳар бир оқибат зарурий моҳиятга бориб тақалади, зарурий моҳият эса ягонадир, барча имконий моҳиятлар бирдек зарурий моҳиятга бориб тақалади.

Мутафаккир мулоҳазаларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда сабаб ва оқибатлар ўзаро боғланган, айланани ҳосил қилувчи занжир сифатида талқин қилинади. Занжирлар тизимида бўш халқа йўқ, яъни айлана ҳеч бир ерида узилмаган. Шу сабабдан ҳам сабаб ва оқибат боғлиқлигининг боши ва ниҳосини кўрсатиб бўлмайди. Бу эса сабаблар бошланишига таъсир қилган бирламчи сабабни аниқлашни тақозо этади. Ибн Сино фикрича бирламчи сабаб зарурий моҳият бўлиб, у сабаб-оқибат боғланишларига четдан таъсир кўрсатади. Зарурий моҳиятнинг бирлиги ва ягоналигини эътироф этган ҳолда Ибн Сино дунёнинг пайдо бўлишини эмонация назарияси бўйича тушунтиради.

Унинг таълимотига кўра зарурий борлиқ фикрловчи ва билувчи моҳиятдир. Зарурий борлиқ ўз-ўзини билади. Унинг ўзи ҳақидаги билими борлиқнинг сабабини асослайди. Бирламчи борлиқнинг ўзи қам фикрловчи моҳият ёки ақлдир. Бирламчи борлиқ томонидан пайдо бўлган ақл бир томонидан яратувчини иккинчи томонидан ўз-ўзини ҳам воқелик ҳам имконий муносабатларда бўлади. “ Бирламчи ақл (фаол ақл)дан иккиламчи ақл (дунёвий рух) вужудга келади. У ўзини ўзининг имконий ҳолатида ҳам билгани учун, бу билимнинг оқибати дунёвий рухга, ҳаётга мос келади. Иккинчи ақл учинчи ақлни пайдо қиладди. Бу жараён бизнинг ақлимизнинг пайдо бўлиши билан яқунланади ва унда алоҳида ҳиссиётлариимз томонидан қабул қилинувчи буюм ва ҳодисаларнинг фикрий шакллари ҳосил бўлади” [1, 282].

Ақл туфайлигина инсон ҳаёти, кишиларнинг турмуш тарзи ҳайвонларнинг яшаш тарзидан тубдан фарқ қиладди. У борган сари ўта мазмунли ва яхши бўла боради. Илмга бўлган чексиз рағбат, сабр-қаноат, эришилган ютуқлардан лаззатланишига, кундалик қийинчиликларга бўйин эгмаслик, мақсад сари доимий интилиш ақл, донолик билан ҳамкор ва ҳамнафасдир. Бу борада инсон ғаройиб чехра, ташқи қиёфа соҳиби бўлибгина қолмасдан, балки шу билан бир қаторда юксак ахлоқий қадриятларнинг бевосита ижодкори ҳамдир.

Юқоридаги фикрлар мутафаккирнинг Арасту фалсафий таълимотига асосланганидан далолат беради. “Ишорат ва танбеҳот”асарининг “Физика ва метафизика” қисмининг олтинчи кўрсатмаси мақсад ва унинг асослари, борлиқнинг босқичлари ҳақида” деб номланади. Бу бобда баён қилинган фикрларда Аристотел метафизикасининг ва мантиқий таълимотининг руҳи сезилиб туради. Унда ҳаракат ва биринчи туртки масаласи ҳам кўриб ўтилади. Ибн Сино бу масалаларни таҳлил қилишда дедуктив назарияга асосланади. Бу ҳолат унинг Абу Райхон Беруний билан бўлган савол-жавобларида ҳам яққол сезилади. Шу сабабдан биз Ибн Сино онтологик қарашларининг мантиқий асосларини ушбу савол-жавобларга асосланиб таҳлил қиламиз. Беруний Ибн Сино шундай деб савол беради. Агар, Аристотелнинг фикрича, фалак ташқарисиди бўшлиқнинг йўқлиги аниқ ва тўғри бўлса ва биз фалакни олов каби латиф гавҳар деб тахмин қилсак ҳам, у, гўё чегараланган тўда бир нарсадир. Аммо фалакнинг айланма ҳаракати табиий ҳаракат бўлмаслиги

мумкин. Фалак бу айланма ҳаракати сайёраларнинг шарқ томонга бўлган табиий ҳаракатларига ва ғарб томонга бўладиган кеча-кундузлик аразий ҳаракатларига ўхшайди. “Агар фалакнинг айланма ҳаракати аразий эмас, чунки айланма ҳаракатларининг йўналишларида кесишмаслик йўқ дейилса, шу сўзга лозим келадиган нарсалар орасида бўямачилик ва сафсата зоҳир бўлади. Чунки бир нарсанинг ўзида бири шарқ томонга, яна бири ғарб томонга бўлган икки табиий ҳаракатни ўйлаш мумкин эмас. Бу эса маънода мос бўлиб, лафзда айирмалик бўлади. Чунки ғарб томон ғаркатино шарққа томон ҳаракатининг зидди деб айтилмайди. Бу таслим ва эътироф қилинган бўлиб, лафзларда талашилганда маъниларга қараймиз”. [1, 302]

Ибн Сино ўз жавобида бўшлиқ, табиий ўрин ва ҳаракат масалаларига тўхталиб шундай жавоб беради: Мен ҳам фалакнинг пастга томон ҳаракат қилиши мумкин эмас, пастда фалакни кўчиб бориши учун табиий ўрин йўқ дейман. Агар бир оғиздан фалакнинг шундай ҳаракатни борлигини қиёматга қадар фараз қилинса ҳам, мен йўқ дейман. Чунки фалак пастга томон ҳаракат қилади дейиш, оламдаги ҳамма унсурлар ўз табиий ўринларидан кўчиб юрадилар дейишни исбот қилади. Бундай кўчиб юриш табиат оламида ҳам мумкин дейиш янглишдир. Бу эса фалакнинг кўчиши учун бўшлиқ бор эканлигини исбот қилади. Холбуки, табиат оламида бўшлиқ йўқдир. Шундай бўлгач, пастга фалак кўчиб бориши учун табиий бир ўрин йўқдир ва яна, юқорида ҳам ҳақиқий, хоҳ ҳаёлий бўлсин ҳаракатга ўрин йўқдир. Чунки бу ҳаракат ҳам биз айтгандек иложсиз ёмонликларга, яъни ҳамма унсурларнинг ўз табиий ўринларидан кўчмакларига ёки бўшлиқнинг борлигига олиб боради. Холбуки, на феъл билан, на ваҳм ва имкон билан исбот қилиниши мумкин бўлмаган нарсдан кўра бузукроқ бир нарса йўқдир. Шундай бўлгач на куйига, на юқорига бориш учун жойнинг йўқлиги менга таслим қилинади. Хулоса қилиб айтганда, икки буюк олим ўртасидаги савол жавобларнинг таҳлили Ибн Сино таълимотида мантиқ илмий билиш методи бўлибгина қолмасдан балки фалсафий масалаларни ҳал қилишнинг методологик асоси эканлигини тасдиқлайди.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абу Али ибн Сина. Указания и наставления. Избранные произведения. Т.1. С. 135.

**Ибрагимов И.
(Жиззах, Узбекистон)**

СИНЕРГЕТИКА ИЛМИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ПАРАДИГМА СИФАТИДА

XX асрнинг охирига келиб табиий ва ижтимоий фанлардаги ютуқлар натижаси ўлароқ, дунёнинг илмий манзарасига, у билан боғлиқ объект ва субъект, маънавийлик ва моддийлик, табиат ва жамият, инсон ва табиат, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашув шаклланди. Синергетика мазкур муносабатлар моҳиятини тушунтиришга қаратилган таълимот ва илмий билиш усули сифатида вужудга келди.

Синергетика қадимги юнонча (*synergeia*) сўздан олинган бўлиб, биргалик бирлашган ҳолда, ҳамкорликда таъсир ўтказиш маъносини англатади. Синергетика мутахассисларнинг турли туман билим соҳаларида табиий ва ижтимоий жараёнларнинг умумий детерминантларни кашф этиш натижасидир. Шу туфайли у алоҳида фан ғояларининг йиғиндиси сифатида эмас, балки физик, химик, биолог ва математик ўз материални кўрадиган умумий қарашлар тизими сифатида ва аксинча булардан ҳар бири ўз фани методини қўллаб, синергетиканинг ривожланишига бирон бир тарзда ҳисса қўшади.

Борлиқни тушунишда эволюционизм принципи мустаҳкам ўрин олди. Гарчанд, эволюция тушунчасини Дарвин фан оламига киритган бўлсада, аммо у дастлаб физика, химия, астраномия, геология фанларига тадбиқ этилмади. Уларда классик термодинамика қонунларини асос қилиб олинган эди. Шўро даврида, тарихга эволюционизмни тадбиқ этганлар ғайри илмий “социал дарвинизм” дея баҳоладди. Зеро, марксча- ленинча таълимот тарих эволюцион йўл билан эмас, балки инқилоб асосида ривожланади, инқилоб-тарихни ҳаракатга келтирувчи куч деган ғояларга асосланар эди. Шунинг учун ҳам, биринчи президентимиз И. А. Каримовнинг “... жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий эволюцион ислохатлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз” [1] деб эволюцион йўлни тараққиёт дастуриimiz даражасида баён этиши ҳозирги замон янги билимларга жуда мос келади.

Синергетика меганазария сифатида “чизиқсиз” тафаккурга асосланади. Шу сабабли, синергетикани “чизиқсизлик парадигмаси” деб аташ ҳам мумкин. Бинобарин, мураккаб тизимни чизиқли тафаккур тарзи, яъни оддий сабаб оқибат асосида тушуниб бўлмайди. Математик маънода чизиқсиз тенгламанинг ечими бирдан ортиқ имкониятга, ечимга эга бўлади. Унинг ҳосиласи бирдан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Фалсафий тилда айтганда, сабабнинг оқибати сабабдан кичик ёки катта бўлиб, сабабда йўқ имкониятлар ҳам рўёбга чиқиши мумкин. Бу муҳитнинг хусусиятига боғлиқ. Чизиқсизлик бир неча бир- биридан фарқ қиладиган ечимга эга. Бу эволюциянинг кўп имкониятли, кўп вариантли шаклидир.

Ўз ўзини ташкил қилишда ҳар бир нуқта очиқ тизим сифатида намоён бўлади: ҳар бир нуқтада модда, энергия алмашуви жараёни юз беради. Бу ҳар қандай чизиқсиз жараёнда юз берадиган ҳодисадир. Масалан, инсон организмдаги ички аъзолар томирлардан озикланади вабундай умумий

йўналиш ҳамма тизимга ҳам хосдир. Бир томондан, бундай ҳолатда тизим мустаҳкамланади. Иккинчи томондан – емирилиш, “тарқалиш” юз беради.

Ўз ўзидан ташкилланиш- четдан келадиган таъсирсиз, ўз ўзидан ҳаракатланишнинг муҳим намоён бўлиши; шу билан бирга ўз-ўзини бошқаришнинг асосидир; умум ҳолатда хусусий, худудий қисмнингмавжудлик шароитининг имкониятидир. Ўз-ўзидан ҳаракатланиш, ўзгариш, ривожланиш деганда, аввало, материянинг мавжудлигида барча ҳолатларда ёки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга табиий ўтишдаги сабаб шу материянинг ўзида бўлиб ташқи кучга муҳтож эмас, деган сўз. Масалан, қуёш ва қуёш системасида, ҳар бир голлактиканинг ўзидаги физикавий, кимёвий жараёнлар шу жумладандир.

